

## **ХАЛҚАРО САВДО ЖАРАЁНЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ** **Зокир Рустамович СОДИКОВ**

доцент  
иқтисод фанлари номзоди  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
Тошкент, Ўзбекистон

### **Аннотация**

Мақолада жаҳонда халқаро савдонинг вужудга келиши ва ривожланиш тенденцияси билан боғлиқ жараёнлар таҳлил қилинган. Шунингдек, бу борада ўртага ташланган классик ёндашувлар ва уларнинг асосий жиҳатлари ўрганилган. Жаҳонда халқаро савдо ва инвестиция жараёнлари ривожланишининг назарий жиҳатлари баён қилинган.

**Таянч сўзлар:** иқтисодиёт, экспорт, импорт, ташқи савдо, инвестиция, хорижий инвестиция, халқаро иқтисодиёт, ташқи иқтисодий фаолият, миллий иқтисодиёт, иқтисодий ўсиш, ишлаб чиқариш.

## **ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ МЕЖДУНАРОДНЫХ ТОРГОВЫХ ПРОЦЕССОВ**

**Зокир Рустамович СОДИКОВ**

доцент  
кандидат экономических наук  
Международная исламская академия Узбекистана  
Ташкент, Узбекистан

### **Аннотация**

В статье проанализированы процессы, связанные с возникновением и тенденциями развития международной торговли в мире. Также изучены классические подходы, выдвинутые в этой области, и их основные аспекты. Описаны теоретические аспекты развития международной торговли и инвестиционных процессов в мире.

**Ключевые слова:** экономика, экспорт, импорт, внешняя торговля, инвестиции, иностранные инвестиции, международная экономика, внешнеэкономическая деятельность, национальная экономика, экономический рост, производство.

Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ижтимоий-иқтисодий соҳаларни янги ривожланиш босқичига олиб чиқишга асос бўлмоқда. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “Айнан ана шу энг муҳим вазифалар иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва устувор вазифаларига жиддий ўзгартиришлар киритиш учун пойдевор бўлиши керак” [2;9] деб таъкидлаган. Мустақил иқтисодиётни мустаҳкамлаш, бозор муносабатлари ва

ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш жараёнида миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ташқи савдо ва экспорт ҳажмини оширишга, унинг таркибини такомиллаштиришга замин ҳозирлаш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминловчи ва мустаҳкамловчи асос бўлмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ЎЗБЕКИСТОН — 2030” стратегияси тўғрисидаги Фармонининг “Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш” йўналиши 55-мақсадида “Миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини кучайтириш ва унинг таркибида кўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотлар улушини кескин ошириш” масаласи [1] кўзда тутилган. Хусусан, бу йўналишда иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш учун макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда даромад тақсимотини ва таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш талаб этилади. Шунингдек, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларида маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш ва уларни сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу боис миллий саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш, янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, ички ва ташқи бозорларда миллий товарлар рақобат кучини ошириш, экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркиби ва географиясини кенгайтириш устувор вазифалардан саналади.

Миллий иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларининг экспорт салоҳиятини кучайтириш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш, инвестиция муҳитини такомиллаштириш, тўғридан-тўғри хорижий

инвестицияларни иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларига фаол жалб қилиш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни саноат салоҳиятини ошириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни бартараф қилиш асосий йўналишлардан ҳисобланади. Мазкур жараёнлар халқаро савдо-иқтисодий алоқаларнинг аҳамияти ва муҳимлиги мунтазам ортиб бораётганлигини ҳамда иқтисодиётни модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш кўламини кенгайтириш алоҳида устувор жиҳат эканлигини кўрсатмоқда. Глобаллашув даврида халқаро иқтисодий алоқалар жараёнининг тараққиёти жаҳон хўжалигидаги ривожланиш тенденцияси билан чамбарчас боғлиқ ҳолда вужудга келаётган ва ўзига хос устувор йўналишларни намоён қилаётган қонуниятдир. Маълумки, мамлакатлар ўртасида вужудга келган савдо жараёни жаҳон хўжалик алоқаларининг дастлабки шакли ва асосий йўналиши ҳисобланади. Жаҳонда халқаро савдо миллий ресурслар базасини кенгайтириш ва чекланган ички бозор муаммосига барҳам бериш, мамлакатларда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнларини фаоллаштириш ва самарасини ошириш, иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштириш ва миллий хўжаликларнинг халқаро ихтисослашувини чуқурлаштириш орқали мамлакатлар иқтисодиётлари тараққиётига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

Жаҳонда халқаро савдо буюк географик кашфиётлар, янги денгиз йўллари очилиши, машиналашган ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши ва ривожланиши, ишлаб чиқариш тизимида янги тармоқ ва соҳаларнинг пайдо бўлиши, меҳнат унумдорлигининг ортиши, кўплаб миллий бозорларда хом ашёларга талабнинг шиддат билан ўсиши ва мамлакатлар экспортининг жадаллашуви натижасида муттасил равишда ривожланиб келмоқда. Жаҳон хўжалиги фаолиятининг ўзига хос томонларидан бири – бу халқаро иқтисодий алоқаларнинг жадал ривожланиш тенденциясига эгалигидир. Бугунги кунда халқаро иқтисодий алоқалар жараёни тараққиётининг устувор йўналишлари мунтазам равишда ривожланиб, кенгайиб, такомиллашиб

бормоқда. Хусусан, ҳозирги кунда мазкур йўналишлардан бири экспорт салоҳиятини ошириш ва унинг таркибий тузилишини замонавий тараққиёт талабларидан келиб чиқиб диверсификация қилиш бўлиб, унда чуқур қайта ишланган тайёр ва инновацион технологиялар асосида ишлаб чиқарилган товарлар ҳажми ва географиясини кенгайтириш ўзига хос аспектлардан ҳисобланади. Шунингдек, жаҳонда хизматлар экспортини ривожлантириш ва унинг таркибида замонавий хизматлар турларини жадал ошириш халқаро экспорт ҳажмининг юксалишига асос бўладиган йўналишлардан ҳисобланади. Шу боис жаҳон иқтисодиётидаги глобаллашувнинг асосий йўналишларидан бири бу айнан халқаро савдога таянади. Глобаллашув шароитида мамлакатлараро иқтисодий алоқаларнинг чуқурлашувига туртки бўлаётган устувор йўналишлардан бири хорижий инвестициялар ва трансмилий корпорациялар фаолияти ҳисобланади.

Ҳозир жаҳон миқёсида катта ҳажмдаги инвестициялар оқими муттасил равишда кўпайиб, юксалиб бормоқда. Жаҳонда ахборот технологиялари ва коммуникация тизимидаги мислсиз юксалиш, ишлаб чиқариш технологияларининг шиддат билан ривожланишига, инновацион тараққиёт миллий хўжаликларга чет эл инвестицияларини фаол жалб этишга ҳамда кўплаб янги турдаги товар ва хизматларни маҳаллий бозорларда ишлаб чиқарилишини йўлга қўйишга замин ҳозирламоқда. Чунки хорижий инвестициялар илғор технологияларни, айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга самарали жалб қилишга ва ишлаб чиқариш тизимини модернизация қилишга, аҳоли бандлигини оширишга сабаб бўлгани учун аксарият давлатлар мазкур жараённи ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналиш сифатида муттасил ривожлантиришга интиломоқда. Халқаро иқтисодий жараёнларнинг асосий устувор йўналишлари таркибида молия ва валюта-кредит муносабатларининг намоён бўлиш тенденцияси ҳамда истиқболлари муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда халқаро миқёсда молиявий ресурсларнинг оқими ва унинг миллий бозорларга таъсирлари беқиёс хусусиятга эга бўлиб, жаҳонда мавжуд

валюта-кредит тизими ва мамлакатларнинг олтин-валюта захираларини таъминлаш шарт-шароитлари ҳамда уларни диверсификация қилиш имкониятлари халқаро иқтисодийнинг устувор жиҳатлари моҳиятини асослашга хизмат қилади.

Жаҳон ҳамжамиятининг бугунги кунда эришган муваффақиятларининг асосий омиллари қаторида халқаро валюта-кредит тизими ва унинг ишлаш механизми алоҳида ўрин эгаллаши табиийдир. Жаҳонда глобаллашув жараёни чуқурлашгани сари халқаро меҳнат миграцияси ва мамлакатларнинг ишчи кучи экспорти халқаро иқтисодий алоқаларнинг муҳим устувор йўналиши сифатида ўз аҳамиятини мустаҳкамлаб бормоқда. Шу боис мазкур жараённинг ҳар томонлама тадқиқ қилиниши ва унинг мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсирлари очиқ берилиши масаланинг долзарб хусусиятини белгилаб беради. Ҳозирги кунда меҳнат миграцияси масаласи жаҳондаги ишчи кучи экспорт ва импорт қилувчи мамлакатлар учун устувор аҳамиятини мунтазам равишда сақлаб қолмоқда. Жаҳонда халқаро иқтисодий алоқаларнинг устувор тадқиқот йўналишлари қаторига халқаро илмий-техник ҳамкорлик ва уни муттасил ривожлантириш жараёни ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Чунки бу жараён йирик доирадаги масалаларни ўрганишга ва жаҳон ҳамжамиятининг имкониятларини изчил ошириб бориши дунё аҳолиси фаровонлигини юксалтиришга замин яратади.

Жаҳон савдосини эркинлаштириш ва хорижий инвестициялар оқимини фаоллаштириш орқали глобаллашувни иқтисодий жиҳатдан янада чуқурлаштириш ва дунё аҳолиси фаровонлигини юқори даражада юксалтириш халқаро ҳамжамиятнинг истиқболли фаолият йўналиши ҳисобланади. Шу боис мазкур йўналишдаги устувор жиҳатлар жаҳондаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш натижасида кун сайин мураккаблашиб, чуқурлашиб бормоқда. Бу эса халқаро иқтисодий интеграция ва глобаллашув жараёнларининг муттасил чуқурлашиб боришига замин яратмоқда. Натижада ҳозирги кунда жаҳонда глобаллашув жараёнининг таъсирида мамлакатлар гуруҳлари, иқтисодий ва молиявий муассасалар, ижтимоий ва сиёсий

тузилмалар ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари мунтазам кенгайиб, чуқурлашиб бормоқда. Мазкур тенденциялар халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва жаҳон хўжалик тизимининг байналминаллашуви натижасида миллий бозорларнинг бир-бирига ўзаро боғлиқлиги ва яқинлашувини кучайтириб, минтақалар миқёсидаги тузилмалар ривожланиши ва мустақамланишига замин яратиб бермоқда. Бугунги замонавий жаҳон хўжалиги вужудга келмасдан олдин ҳам халқаро иқтисодий жараёнлар асосан савдо кўринишида мавжуд бўлиб, унинг ривожланиши саноат инқилобига бориб таянади ва айнан шу даврда халқаро иқтисодиёт билан боғлиқ жараёнлар кенгайиб, глобал характерга эга бўла бошлаган. Зеро замонавий халқаро савдо алоқалари – бу бозор муносабатларининг табиий қонунларига асосланган, ўзаро бир-бирини тақозо қилувчи миллий иқтисодиётларнинг муайян жиҳатларининг яхлит тизим ҳолатига келишини билдиради. Халқаро бозор – бу халқаро меҳнат тақсимоти ва ихтисослашув асосида вужудга келган ва савдо-иқтисодий алоқалар асосида ўзаро боғланган алоҳида миллий бозорларнинг бирлашувидан иборат. Шу боис халқаро меҳнат тақсимотининг моҳияти ишлаб чиқариш жараёнида меҳнатнинг ихтисослашуви ва ҳамкорлигида юзага чиқадиган жараён ҳисобланади. Шунинг учун меҳнат тақсимоти кучларнинг бўлаккланиши сифатида эмас, уларнинг яхлитланиши сифатида намоён бўлади. Бу борада А.Вахабов “Халқаро меҳнат тақсимоти моҳияти ишлаб чиқариш жараёнининг меҳнат фаолияти турли шаклларининг ихтисослашуви ва уларнинг кооперациялашувида, ўзаро ҳамкорлигида намоён бўлади. Меҳнат тақсимотини ажратиш жараёни сифатида эмас, балки жаҳон миқёсида меҳнатни бирлаштириш йўли сифатида ҳам кўриш мумкин” деб [3;245] масаланинг хусусиятини кўрсатиб берган. Жаҳондаги вазиятлардан келиб чиқиб, кўплаб олимлар ва тадқиқотчилар, дунёдаги ҳар қандай давлатнинг иқтисодий муваффақияти ташқи савдода кўринишини таъкидлаган. Зеро, ҳозирги кунга қадар ҳеч бир мамлакат жаҳон иқтисодий тизимидан ажралган ҳолда соғлом иқтисодиётни ҳосил қила олгани йўқ. Жаҳондаги ҳар бир

мамлакат олдида ташқи савдо сиёсатини қандай юритиш муаммоси қарийб икки юз йилдан ортиқ вақтдан бери мавжуд ва бу борада қизгин баҳс-мунозалар узлуксиз давом этиб келмоқда. Хусусан, бир вақтлар ташқи савдо масаласида либерал ёки протекционистик ёндашувлардан бирортасини танлаш ва шунга мувофиқ ташқи савдо фаолиятини юритиш устувор аҳамият касб этган бўлса, ҳозирги кунда глобал вазият ўзгача тус олган ва мамлакатлар ҳар иккала ёндашувдан ҳам самарали фойдаланиш чораларини излашлари талаб этилади. Лекин аксарият ҳолатларда мавжуд қарама-қаршилиқлар эркин савдо тамойилининг устуворлигига замин яратади.

Халқаро савдонинг замонавий назариялари ўз тарихига эга, бўлиб, мамлакатларнинг нима сабабдан ўзаро савдо алоқаларини ўрнатиш масалалари XVIII асрнинг бошларидан бери кўплаб олимлар томонидан, хусусан, иқтисодчилар томонидан чуқур қизиқиш билан тадқиқ қилинган. Ўша даврда янги вужудга келган иқтисодий таълимот мактабларининг намояндалари экспорт, импорт ва умуман, ташқи савдони ривожлантириш масалаларига жиддий эътибор қаратишган ва муайян ечимларни ўртага ташлашган. Хусусан, жаҳонда эркин савдо сиёсатига илк бор А.Смит “Халқлар бойлигининг табиати” (1776) асарида таъриф берган ва “халқаро айирбошлаш ҳар бир мамлакат учун манфаатли бўлиб, унда ҳар бир мамлакат мутлақ афзалликка эга бўлиши” кераклигини айтиб ўтган. Шунинг учун А.Смитнинг фикрлари классик иқтисодиёт назариясининг асоси бўлган ва эркин савдо сиёсатининг ҳар қандай шакли учун у инобатга олинган. Д.Рикардо “Сиёсий иқтисод ва солиққа тортишнинг бошланиши” (1817) номли асарида ўртага ташлаган мулоҳазалари орқали классик иқтисодиёт назариясини янги босқичга олиб чиққан. У халқаро ихтисослашув тамойилларини кўрсатиб, мамлакатлар учун қандай ҳолатлардаги халқаро айирбош қилиш манфаат келтиришини асослаб берган. Унинг ғоясига биноан ҳар бир мамлакат ўзи афзалликка эга бўлган соҳада ихтисослашуви манфаат келтиради. Унинг концепцияси нисбий афзаллик ёки қиёсий вазиятда ўз аксини топган. Д. Рикардо халқаро айирбошлаш барча мамлакатлар учун

манфаат келтиришини ва фойдали ташқи савдо шартларининг чегараларини кўрсатиб берган. Ж.С.Милл “Сиёсий иқтисод асослари” асарида қандай халқаро нархда айирбош қилиш манфаатли эканлигини кўрсатиб беришга ҳаракат қилган. Ж.С.Миллнинг ғоясига биноан айирбошлаш нархи талаб ва таклифга, яъни қарама-қарши талаб қонунига кўра, ҳар бир мамлакатнинг ялпи экспортининг миқдори ялпи импортининг миқдорини қоплайдиган даража бўлади ёки давлатларнинг импорт товарга бўлган эҳтиёжига биноан экспортга товар таклиф қилиши кўзда тутилган. Ж.С.Миллнинг халқаро нарх қонуни бўйича шундай нарх мавжудки, у халқаро савдода товар айирбошлашни мақбуллаштиради ва у бозор нархи бўлиб, талаб ва таклиф асосида шаклланади. Айнан классик сиёсий иқтисодчилар назариясидаги “қийматнинг меҳнат назарияси” давр нуқтаи назаридан Г. Хаберлер (Gottfried Haberler) томонидан ривожлантирилиб, янги “Муқобил қиймат (Opportunity cost) назарияси” ўртага ташланган. Бу назария орқали қийматни ҳосил қилишда нафақат меҳнат, балки ишлаб чиқаришнинг барча омиллари иштирок этиши ва шунга мувофиқ таҳлиллар қилиниши лозимлиги асосланган. Халқаро савдода товарлар оқимини келтириб чиқарувчи асосларни аниқлаш ва унинг таркибий тузилишини очиқ бериш мақсадида Э.Хекшер ва Б.Охлинлар ўзларининг тадқиқотини олиб борган. Улар тадқиқотлари асосида нисбий афзаллик тушунасини изоҳлаб, муайян мамлакатнинг маълум бир турдаги товарга ихтисослашувининг келиб чиқиши у мамлакатларнинг ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлик даражасига боғлиқ бўлишини исботлаб берган. Э.Хекшер ва Б.Охлинлар “ишлаб чиқариш омиллари баҳосининг халқаро миқёсда тенглашуви” назариясини ўртага ташлаган. 1948 йилда Америкалик иқтисодчилар П.Самуэлсон ва В.Столпер ўз назарияларини киритиб, Хекшер-Охлин томонидан ўртага ташланган назарияларни янада такомиллаштириб, ишлаб чиқариш омиллари баҳоси асосан соф рақобат ва товарларнинг тўла ҳаракатчанлиги мавжуд бўлган шароитда миллий иқтисодиётларда тенглашиши мумкинлигини асослаган.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ЎЗБЕКИСТОН — 2030” стратегияси тўғрисидаги 2023-йил 11-сентябр, ПФ-158-сон фармони. Lex.uz
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
3. Вахабов А.В. ва бошқалар Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар: дарслик. – Тошкент: Бактрия пресс, 2015.
4. Krugman P., Obstfeld M., Melitz M. International economics: theory and policy. 12th edition. Harlow, Essex: Pearson, 2023, 817p.
5. Dominick S., International economics. Printed in the USA /. – 13th ed. 2019. 720 p.
6. Thomas A. Pugel. International Economics. Printed in the USA /. – 18th Edition. 2024.
7. Tuxliyev N. Jahon iqtisodiyoti rivojlanishida yangi trendlar. Monografiya. – Toshkent: Ilm-Ziyo-Zakovat, 2021. – 72 b.
8. <https://www.stat.uz>
9. <https://www.cbu.uz>
10. <https://wdi.worldbank.org/tables>